

# Доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, туризм, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Бугунги йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 3-декабрда “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-31-сон қароридан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, соҳада амалга оширилган ишлар юзасидан Узун тумани Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказининг маъсул ходими Н.Бердиевнинг ҳисоботи муҳокама қилинди.



